


Фирибгарга жазо тайинланди.



Сариосиё тумани “Афросиёб” маҳалласида яшовчи фуқаро (Исм шарифи ўзгартирилган) А.Б. ўзганинг мол-мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил 5 март куни Сариосиё тумани Саъдий Шерозий маҳалласида яшовчи фуқаро (Исм шарифи ўзгартирилган) О.З.ни алдаб, АТ “Микрокредитбанк” Узун филиали орқали унинг номига 1 йил муддатга йиллик 36 фоиз устама тўлаш шarti билан 11 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари чиқариб олиб, кредитни асосий қарз ва фоизларини ўзи тўлаб боришини айтиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, А.Б ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўзганинг мол-мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил 4 июнь куни Узун тумани “Бешкапа” маҳалласида яшовчи фуқаро (исм шарифи ўзгартирилган) К.У.ни алдаб, АТ “Микрокредитбанк” Узун филиали орқали унинг номига 3 йил муддатга йиллик 32 фоиз устама тўлаш шarti билан

20 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари чиқариб олиб, кредитни асосий қарз ва фоизларини ўзи тўлаб боришини айтиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, А.Б. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўзганинг мол-мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил 30 октябрь куни Сарийосиё тумани “Шарқ юлдузи” маҳалласида яшовчи фуқаро (исм шарифи ўзгартирилган) В.Ж.нинг номидан сохта кредит ҳужжатлари тақдим этиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан АТ “Микрокредитбанк” Узун филиали орқали унинг номига 2 йил муддатга йиллик 23 фоиз устама тўлаш шарти билан 25.000.000 сўм миқдорда кредит маблағларини олиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судда сўралган А.Б. айбига иқдорлик билдириб, олинган кредит маблағларини фоизлари билан бирга банкка тўлаб, моддий зарарларни қоплаганлигини, бошқа бу каби ноқонуний ишлар билан шуғулланмаслигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларни ҳам ўзига нисбатан даъвоси йўқлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг 2022 йил 19 декабрдаги ҳукмига кўра судланувчи А.Б. Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесилиш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Жиноятчига нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари қўлланилади. Лекин фуқаролардан келгусида алданиб қолмаслик учун фирибгарнинг тузоғига тушўиб қолмаслик учун жуда эҳтиёткор бўлиш лозим бўлади.

Жиноят ишлари бўйича

Узун туман судининг раиси

О.Жуманов